



Барча даражадаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари партия дастурий мақсадларига мувофиқ равишда аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнида талабчанлик кўрсатиши, янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган муқобил таклифлар билан чиқишда фаол ва ташаббускор бўлиши зарур.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



Фарғона вилоятида ҳам бу борада жуда катта ишлар амалга оширилаяпти. Ижтимоий-иқтисодий дастурлар ҳаётига изчил татбиқ этилмоқда, хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, чорвачиликни ривожлантириш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда бошқа йўналишларда янги-янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Фарғона вилоят кенгаши ҳамкорлигида «ЎзХДП ташаббуслари: маҳаллий ресурс ва инфратузилмани ҳисобга олган ҳолда Фарғона вилоятини инвестицион ривожлантириш дастурларига муқобил лойиҳалар» мавзусида ўтказилган давра суҳбати мазкур жараёнда партиянинг амалий иш-тироқини янада кучайтиришга бағишланди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, маҳаллий партия ташкилотлари раҳбарлари, вилоят Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси, тижорат банклари, йирик бошланғич партия ташкилотлар етакчилари ҳамда фаоллар қатнашди.

(Давоми 2-бетда.)

Аҳолининг бандлик даражасини ошириш орқали

ижтимоий ислохотлар самарадорлигига эришиш мумкин

Хар бир одам бу ҳаётдан, умридан рози бўлиб яшаш керак. Тинч ва осойишта мамлакатда хотиржам меҳнат қилиб, бир олам орзуларини амалга ошириш учун ҳаракат қилаётган, катта-катта умидлар билан фарзанд тарбиялаётган, уларнинг келажаги учун мустаҳкам замин яратаятган кишиларгина ҳаётдан рози бўлиб яшайди. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг аниқ мақсади ҳам аслида шу.

Ҳуқуқий эксперимент:

Очиқликни таъминлашда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этиши керак

ЎзХДП Марказий Кенгаши Бухоро вилоят кенгаши билан бирга «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёнида ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг иштироки» мавзусида икки кунлик семинар ўтказди.

Унда ҳуқуқий экспериментнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини жамоатчиликка кенг тушунтириш, қонун лойиҳасида назарда тутилган меъёрлар ижросини таъминлаш, бу борада ЎзХДП олдида турган вазифалар хусусида сўз борди.

Семинарда Бухоро вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Акбар Рустамов ҳуқуқий экспериментнинг бориши бўйича ахборот берди.

Таъкидландики, ҳуқуқий эксперимент субъекти сифатида белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида веб-сайтлар яратиш, уларни мунтазам зарур ахборотлар билан тўлдириб бориш, фуқаролар учун эркин ахборот олиш хоналарини ташкил

этиш, ахборот-кутубхона, архив фондлари орқали ахборот бериш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг оғзаки ва ёзма сўровларига аниқ ва тўлиқ жавоб қайтариш масалаларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айрим давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизматлари ташкил этиш, веб-сайтлар яратиш вазифалари қонун лойиҳаси талаблари даражасида бажарилмаяпти...

Ахборотдан сўнг иштирокчилар ўртасида қизгин савол-жавоб ва мунозаралар бўлди. Депутатлар йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни таҳлил этишда ҳамда уларни бартараф қилиш, бунда партия фаоллари, депутатлар иштирокини кучайтириш бўйича

(Давоми 2-бетда.)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Янги механизм

сиёсий партияларни ўз фракцияси ва барча даражадаги ташкилотлари ишини фаоллаштиришга ундаб туради

Сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари амалга ошириш, сайловчилар ва электорат манфаатлари қонунчиликда ўз аксини топишида парламентдаги фракциялар фаолияти тизимли йўлга қўйилиши муҳим ўрин тутди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун қабул қилиниши бу жараёни янада жадаллаштириш, фракциялараро рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

⇒ 2

Истиқлол имкониятлари

Қувонч улашиш бахти



юз қисмида туғма нуқсони билан дунёга келган фарзандлар мураккаб пластик жарроҳлик амалиёти орқали дарддан фориғ бўлмоқда

4

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСНИНГ 2013 ЙИЛИНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йил 18 январда бўлиб ўтган мамлакатимиз ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш шу йилнинг биринчи ярмида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.

1. Барқарор юқори ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардорлигини ошириш

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардорлигини оширишга доир комплекс дастурларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг мустаҳкам ўсиш суръатлари инфляция даражаси пастлигини, давлат бюджетни профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдо-сини (442,4 миллион доллар) ифода этадиган макроиқтисодий барқарорлик билан таъминланди.

Саноат тармоқлари рақобатбардорлигини ошириш ва уларни янада диверсификация қилишга доир дастурий чора-тадбирларнинг ижроси саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,2 фоизга ошириш имконини берди.

Фермер хўжалиklarининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илғор технологияларни жорий этиш қўламини кенгайтириш бўйича қўйилаётган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 7,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши, стратегик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш ва янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 10,5 фоиз ва қурилиш ишларининг 16,1 фоизга оширилиши таъминланди.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи маҳаллий корхоналарни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг 14,4 фоиз, чакана савдо айланмасининг 14,6 фоиз, хизматлар кўрсатишнинг 12,1 фоизга оширилиши таъминланди.

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши ва аҳоли бандлигини кенгайтириш аҳоли реал даромадининг 16,3 фоизга барқарор ошишида муҳим омил бўлди.

2013 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2012 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,0
Саноат маҳсулотлари ҳажми	108,2
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	114,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	107,3
Қурилиш ишлари	116,1
Чакана савдо айланмаси	114,6
Пуллик хизматлар	111,0
Жами хизматлар	112,1

(Давоми 3-бетда.)

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Фракция ўз таклифларини

қатъий ҳимоя қилади

<http://www.uzbekistonovozi.uz>



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Қувонч улашиш бахти

юз қисмида туғма нуқсони билан дунёга келган фарзандлар мураккаб пластик жарроҳлик амалиёти орқали дарддан фориғ бўлмоқда

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган илоҳотлар бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Яқин-яқингача кўпласи оғир хасталикларни доволаш учун ривожланган чет давлатларга боришга ҳаракат қилинарди. Эндиликда эса мураккаб жарроҳлик ишларини ўзимизда амалга ошириш йўлга қўйилмоқда. Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги болалар пластик хирургия бўлими фаолияти ҳам бунга аққол мисол бўла олади.

Бугунги кунда бу ерда туғма нуқсонлар — юқори лаб ёриғи, танглай ёриғи, синдактилия, полидактилия, гемангиомалар жарроҳлик йўли билан доволанмоқда. Шунингдек, бир неча мураккаб жарроҳлик жараёнларида бажариладиган кулоқ супраси операцияси ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда.

— Кўпласи оилаларга қувонч улашган бўлим шифокорлари, жумладан, Мурод Жафаров ҳақида илиқ гапларни эшитганимиз, — дейди тошкентлик Шоҳиста Аълоева. — У киши кўл, оёқ, айниқса, бош ва юз қисмида туғма нуқсон билан туғилган чақалоқларни пластик жарроҳлик йўли билан доволаб, кўпчилик дуосини олиб келаётган экан. Бир кун турмушхонага ёшига келинчақ қариндошини кўргани келганда бошидан ўтганларни ҳасратлашиб қолди. Унинг айтишича, ҳомилдор бўлган, ҳаяжон билан фарзанди туғилишини кутади ва ниҳоят ўша

кун келади, афсуски, қизалоғини кўлига олганида унинг юзидида беўхшов чандиқ борлигини кўриб, шошиб қолади. Оталик бахтига муяссар бўлган турмуш ўртоғи ҳам изтиробга тушади. Чунки ўзбекчилик, қайнота-қайнона, кўни-кўшни, қариндош-уруғ нима дейди?.. Ота-она фарзандини чет элда доволатишни ўйлайди, аммо бунга етadиган маблағ йиғиш керак... Улар шу тавиш билан юрганида бу дардни ўзимизнинг шифокорлар ҳам доволаётганини эшитиб, Мурод Жафаровга мурожаат қилади. Операциядан сўнг фарзанди юзидидаги нуқсон ҳам, ота-она кўнглидаги доғ ҳам изсиз кетади.

— Шу боисми фарзандим Робия юзидида чандиқ билан туғилганда унча хавотирга тушмадим, — дея яна сўзини давом эттиради Шоҳиста Аълоева. Қизалоғимни Мурод Мирзохидовичга кўрсатганимизда, у киши 11 ойдан сўнг керакли муолажаларни

қилишини айтди ва мана кўриб турганингиздек, фарзандимнинг лаб қисмидаги тиртиқдан асар ҳам йўқ, ўрни ҳам билинмайди.

Мурод Жафаров пластик хирургия йўналишида Жанубий Кореянинг Ёнсей университетида 3 йил тахсил олди. Сўнг АКШнинг Гарвард университети Массачусетс госпитали, Флорида университети клиникаси, Стенфорд университети болалар клиникаси, Италиянинг Павия университети, Германиянинг Мюнстер ва Дюсселдорф университетлари клиникаларидек дунёнинг машҳур тиббиёт масканларида малакасини оширди.

— Истиқлолимиз туфайли миллий тиббиёт тез суръатларда ривожланиб бораётганини шифохонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин, — дейди ТошПТИ клиникаси пластик жарроҳлик бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош болалар пластик хирургия, Ўзбекистон пластик, реконструктив ва эстетик жарроҳлар жамияти раиси, Халқаро пластик хирурглар конфедерацияси ижроий кўмитаси аъзоси Мурод Жафаров. — Жанубий Корея, Германия, Италия, Сингапур, АКШ, Туркия ва россиялик ҳамкасб-

ларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Ҳар йили бўлимимиз ходимлари Жанубий Кореялик шифокорлар билан ҳамкорликда пластик операцияларни ўтказиб, юзлаб фарзандларимизнинг соғлигини тиклашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Икки нафар шифокоримиз Жанубий Корея, Италия ва Германияда малака ошириб келди. Бундай тажриба алмашиш уларнинг ҳам амалиётида кўл келаётди. Хусусан, ўтган йиллар давомида Индонезия, Камбоджа ва Бирма мамлакатларида ўтказилган хайрия акциясида бўлимимиз хирурглари фаол иштирок этиб, юздан ортқ болани операция қилди. Ҳар йили МДХ, жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларидан 20-30 нафардан ортқ бемор болаларни ҳам доволамоқдамиз.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг кўз, кулоқ, юз, лаб, танглай қисмидаги нуқсонлар жарроҳлик йўли билан бепул доволанмоқда. Ўтган йили ана шундай акция туркиялик ҳамкасблар ва «Меҳр нури» жамғармаси билан биргаликда Наманганда ўтказилиб, 88 нафар бола жарроҳлик йўли билан шифо топди. ТошПТИ клиникасининг пластик хирурглари ва «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамғармаси ҳамкорлигидаги миллий акция илк мартаба 2012 йили Андижон вилоятида ўтказилган. Ушбу акция бу йил ҳам давом эттирилиб, Хоразм вилоятида ташкил этилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Хориж

Бошни кўчириб ўтказиш

мумкин демоқда италиялик нейрорроҳ

Италиянинг Турин университети етакчи нейрорроҳи, доктор Серджо Канаверо инсон бошини бошқа танага кўчириб ўтказиш мумкинлиги ҳақида «Surgical Neurology International» деб номланган тиббий журналда илмий мақола чоп этди.

Мақолада профессор бошни кўчириб ўтказиш жараёнини асослаб берган.

Трансплантацияни амалга ошириш учун ўз касбининг устаси бўлган юз нафар нейрорроҳ керак бўлади ва операция 36 соатга чўзилиши мумкин. Бунинг учун эса 10 миллион евро миқдорида маблағ талаб қилинади.

Профессорнинг ёзишича, бундай операция аввал ҳам амалга оширилган. Яъни 1970 йили америкалик нейрорроҳ Роберт Уайт макака маймунда бу тажрибани синая кўрган — бир маймун боши бошқа маймун танасига кўчириб ўтказилган. 2001 йилда Америкада яна шундай тажрибага қўл урилган. Бироқ иккала операция ҳам муваффақиятли кечмаган: иккаласида ҳам орқа миёни улаш қийин кечган, аниқроғи, асаб тоналари ни бир-бирига улашнинг уddасидан чиқишолмаган. Шу боис жониворлар операциядан кейин шол бўлиб қолган ва бир неча соат ўтиб ҳаётдан кўз юмган. Фақат каламушлар устида олиб борилган таж-



рибадагина ҳаминқадар самарага эришилган. Бироқ уларда ҳаракатланмиш маромни бузилган.

Ниҳоят, орқа миёни улаш усули ишлаб чиқилганини профессор ишонч билан айтмоқда. Фақат операция жараёни бир соатдан ортқ вақтга чўзилмаслиги керак. Негаки, унинг айтишича, бош миёна 12-15 даражалик совуқда кон таъминотисиз ва кислородсиз бир соат яшаш мумкин экан.

Агар италиялик олим бош миёни кўчириб ўтказишнинг уddасидан чиқишолмаган. Шу боис жониворлар операциядан кейин шол бўлиб қолган ва бир неча соат ўтиб ҳаётдан кўз юмган. Фақат каламушлар устида олиб борилган таж-

Ўз-ўзи билан суҳбат

мураккаб масалаларни ечишга ёрдам беради

Американинг Висконсин-Медисон университети олимлари тадқиқотларида маълум бўлишича, ўз-ўзи билан суҳбат мия фаолияти учун жуда фойдали экан.



«Мир новостей» газетаси хабарига қараганда, олимлар бир неча кўнгиллини

икки гуруҳга бўлган ва олдиндан яшириб қўйилган буюмни қидиришни тавсия этган.

Биринчи гуруҳга ўз-ўзига гапиришга рухсат берилган. Иккинчи гуруҳга эса ҳеч қандай садо чиқармай буюмни топиш уқтирилди.

Натижа олимлар кутгандек бўлди: биринчи гуруҳ вакиллари буюмни иккинчи гуруҳга қараганда тез топди ва бу бир неча бор тажрибадан ўтказилди.

Тажрибадан кейин олимлар шундай хулосага келди: рухий ҳолатдаги бундай феномен, яъни овоз чиқариб ўз-ўзига гапириш умумий мия фаолиятини фаоллаштириш билан бирга фикрлаш жараёнини ҳам ижобий ўзатган солади. Бу эса кишига маълум бир вазиятдан тез чиқиш имкониятини яратлади.

Истеъмолчи ҳуқуқи

Оқ ўрнига кўки...

Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи Гулнора исми аёл кимёвий тозалаш корхонасига оқ рангли пальтосини тозалашга берди. Хўшмуомалалик билан мижозни қарши олган корхона ишчилари 5 кундан сўнг хабар олмасиз, тайёр бўлади, дейишди. Пальто эгаси айтилган муддатдан сўнг корхонага бориб, қўйилган воқеанинг гувоҳи бўлди. Унга оқ рангли пальтосининг ўрнига кўк рангли пальто беришди.

Табиийки, мижоз бу ҳолатга ўз эътирозини билдирди. Шунда ходимлар уч кундан сўнг келинг, дея уни қайтариб юборди. Уч кун ҳам ўтди. Бу гал мижознинг оқ рангли пальтоси яна бошқа рангга «ўзгариб» қолибди. Ҳақиқий асаббузарлик шундан сўнг бошланди. Жигибийрон бўлган мижоз Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Навоий вилоят ҳудудий бирлашмасига кўнгирок қилиб, воқеани тушунтирди. Дастлаб корхона ишчилари — биз оқ рангли пальто қабул қилганимиз йўқ, дея айбини бўйнига олмади. Ниҳоят, соҳа ходимлари томонидан суриштириш ишлари олиб борилди. Натижада пальто эгасига етказилган зарар қопланди. Унга 500 минг сўм пул тўланди.

Федерация томонидан Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида ўтказилган очик эшиклар тадбирида шу каби мисоллар ёрдамида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатлари ҳақида тушунчалар бериб ўтилди.

— Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Навоий вилоят ҳудудий бирлашмаси томонидан ўтказилган «Ёш истеъмолчи» кўрик-танловида биринчи ўринни қўлга киритдим, — дейди Зарафшон академик лицейи ўқувчиси Фотида Салимова. — Бугунги урашув истеъмолчи сифатида билимларимни янада оширди.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар,

барча қўрилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Фарғона шаҳар ҳокимлиги

«Қўрилиш дирекцияси» инжиниринг компанияси

танлов савдоси эълон қилади

Объект номи:

«Фарғона вилояти, Марйон шаҳри, Мустақиллик кўчасидаги 2 қаватли почта алоқа узети биноси қўрилиши» (қайта ҳисоб-янбо).

Муддати - 1.11.2013 йил

Бошлангич нархи: -802 802 098 сўм ҚҚС билан; 669 001 748 сўм ҚҚС сиз.

Манзил: Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35, тел.(373) 244-55-32, (998-98) 276-25-48

Қўрилиш ишлари ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: ўқаш объектларни қўриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект

қўйидаги қўрилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк қароланмаси мазкурдиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишонгли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қўрилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўйидаги равиш-

да ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси - Фарғона вилоят қўрилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-й, телефон/факс: (373)244-55-32, (998-98) 276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўлғамнинг нархи - 63 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда оферталарни очиб қўли ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-йда ўтказилади.



CHINA UNION PAY



135 стран

Низкая комиссия

Возможность проверки баланса зарубежом

Infin BANK

Международные пластиковые карты

Xalqaro plastik kartalari

www.infinbank.com

140 50 60

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ibtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buxoro Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

r — 746

10622

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.00

Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
4772010763008

1 3 4 5